

ТУРОННИНГ МАРКАЗИ БЎЛГАН ИККИДАРЁ ОРАЛИҒИДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

Урак Пазирович ЛАФАСОВ

Филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

РАЗВИТИЕ НАУКИ В МЕЖДУРЕЧЬЕ — ЦЕНТРЕ ТУРОНА

Урак Пазирович ЛАФАСОВ

Кандидат филологических наук, доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN THE INTERVALUE — CENTER OF TURON

Urak LAFASOV

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Tashkent State Institute of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan lafas1963@gmail.com

UDC (УЎК, УДК): 809.473

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Лафасов У.П. Мирзо Улуғбекнинг фарзанди аржуманди // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 1 (36). — Б. 270-281.

<https://doi.org/10.36078/1619605196>

Received: November 12, 2020

Accepted: February 18, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Ушбу мақолада пайғамбар Нуҳ алайҳиссаломнинг уч ўғли (Сом, Хом, Ёфас)дан таркаган инсонлар, дунёнинг илк уч тили, Ёфас(Тур)нинг авлодлари ва турлар тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек Буюк Турон, унинг маркази Туркистон, Туроннинг пойтахти Самарқандга тегишли фикрлар баён қилинган. Ўз навбатида Ўқуз ва Инжу Ўқуз дарёлари орасидаги худуд, яъни Иккидарё оралиғи, шу ерда яшаган қабилалар, уларнинг умумий номига оид шарҳлар келтирилган. Шунингдек, ўқузбек ва ўзбек этнонимлари, туркий халқлар, туркий сулолаларни бошқарган уруғлар ва уларнинг келиб чиқишига алоқадор масалалар ёритилган. Буюк фалакшунос олим Али Қутчи, унинг ота уруғи ҳамда табақаси, қутчи қабиласи туркийларни озодликка олиб чиққан буюк Қутлук(Қут+луғ, Гудулу), яъни Элтариш хоконнинг зурриёдлари эканлиги ҳақидаги изоҳлар берилди. Шу аснода туркийларнинг бошқа аслзода урук(уруғ)лари тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам илгари сурилган. Нужум илмининг билимдони Алоуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қутжи(Қутчи)нинг ҳаёт йўли, илмий ишлари ва фаолиятига оид исботлар келтирилган. Самарқанд нужум мактабидаги илмий кашфиётлар учун муҳим бўлган кенглик нуқтасининг топилишига тегишли маълумотлар берилди. Мирзо Улуғбек бошчилигида тузилган “Зижи жадди Қўрагоний” юлдузлар жадвали ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Шу фикрнинг давоми сифатида Али Қутчининг Самарқанд нужум мактаби топшириқларини ва давлат вазибаларини сидқидилдан бажарганлиги ҳамда унинг астрономия соҳасидаги жаҳоншумул хизматига хос фикрлар баён этилган. Шунингдек Али Қутчининг Самарқанд

кутубхонасидаги ноёб китобларни яшириши билан боғлиқ қайдлар айтиб ўтилди. Якуний изоҳ сифатида Али Қутчининг Туркиядаги илмий фаолияти ва Самарқанд нужум мактабининг ютуқларидан Европа олимларини хабардор этганлиги ҳақидаги изоҳлар келтирилган.

Калит сўзлари: Нуҳ алайҳиссалом; Сом; Хом; Ёфас (Тур); турлар; Турон; Иккидарё оралиғи; ўқузбеклар; кутчилар; олим Али Қутчи; Самарқанд нужум мактаби; кенглик нуктаси; юлдузлар жадвали.

Аннотация. В статье дана информация о народах от трех сыновей пророка Ноя (Сом, Хам, Йофас), первых трех языках мира, потомках Йофаса и родах. Кроме того, в ней рассказывается о Великом Туроне, центром которого является Туркестан, о столице Турона Самарканде. В свою очередь, даются сведения о территории, расположившейся между реками Огузом и Жемчужиной Огуза, то есть о Междуречье, о племенах, проживавших там, также комментарии и отзывы об их общем названии. Также были проанализированы этнонимы огузбек и узбек, тюркские народы, рода (племена), правившие тюркскими династиями, и вопросы, связанные с их происхождением. Есть мнение, что великий философ Али Кутчи, его род — Великое племя Кутчи, принесшее тюркам свободу, был потомком Великого Кутлука (Кут+луг, Гудулу). При этом выдвигались и мнения о других благородных тюркских родах. Алауддин Абу-л-Хасан Али ибн Мухаммад сказал, что ученый нуджумской науки, привел свидетельства об образе жизни, научных трудах и деятельности самаркандского ученого и просветителя Кутджи (Кутчи). Дана информация о географическом нахождении, важном для научных открытий Самаркандской школы нуджум. Проанализирована таблица звезд «Зиджи джадди Карагуни», составленная под руководством Мирзо Улугбека. Как продолжение этой идеи, отмечена усердная работа Али Кутчи над заданиями и задачами Самаркандской школы нуджума, а также мировое значение его взглядов и достижений в области астрономии. Есть также сведения о том, что Али Кутчи спрятал уникальные книги самаркандской библиотеки. В качестве заключительного комментария, приводятся сведения о научной деятельности Али Кутчи в Турции и достижениях Самаркандской астрономической школы, информацию которой использовали европейские ученые.

Ключевые слова: пророк Ной; Сом; Хам; Йофас (Тур); Туран; Междуречье; окузбеки; кутджи; учёный Али Кутджи; Самаркандская школа астрономии; расположение звёзд.

Abstract. Abstract. This article provides information about the people descended from the three sons of the Prophet Noah (Sam, Ham, Yofas), the first three languages of the world, the descendants of Yofas (Tur), and the species. There are also opinions about the Great Turan which is the center of Turkestan, the capital of Turan Samarkand. In turn, the area between the rivers Oguz and Pearl Oguz, range of two rivers, the tribes living here, are given comments on their common name. Also ukuzbek and Uzbek ethnonyms, Turkish peoples, the tribes that ruled the Turkish dynasties and issues related to their origin are also covered. The great astronomer Ali Qutchi, his father's lineage and class, the Qutchi tribe, are said to be the descendants of the great Qutluq (Qut + lug', Gudulu), which means the Eltarish Haqqan, who liberated the Turks. At the same time, opinions have been put forward about other noble descendants of the

Turks. Alouddin Abu-l-Hasan Ali ibn Muhammad Samarkandi Qutji (Qutchi), a scholar of Nujum, provided evidence of his life, scientific work and activities. Information is given on the discovery of a latitude point that is important for scientific discoveries in the Samarkand school of nujum. The table of stars “Ziji jaddi Koragoniy” created under the leadership of Mirzo Ulugbek and its peculiarities are covered. As a continuation of this idea, it is stated that Ali Qutchi faithfully fulfilled the tasks and state duties of the Samarkand School of Astronomy, as well as his world-class service in the field of astronomy. There are also notes that Ali Qutchi hid rare books in the Samarkand library. The final comment was that Ali Qutchi informed European scholars about his scientific activities in Turkey and the achievements of the Samarkand Nujum School.

Keywords: Noah; Sam; Ham; Yofas (Tour); species; Turan; the range of two river; ukuzbeks; kutchies; scientist Ali Kutchi; Samarkand nujum school; latitude point; star table.

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир Ер юзида истиқомат қилаётган инсонлар Нух алайҳиссаломнинг уч ўғлидан таркаган. Нух фарзандларига турли ҳудудларни берганлиги ҳақида қайдлар мавжуд. *Нух пайгамбар уч ўғлининг ҳар қайсисин бир ерга юборди* (3, 14–15). Нух пайгамбар ўғилларининг исмлари: **Сом**, **Хом** ва **Ёфас** (11, 29) бўлган. Алишер Навоий дунёнинг илк тилларини Нухнинг фарзандларига боғлаб қуйидагича изоҳлаган: *туркий ва форсий ҳамда ҳиндий асл тилларнинг манбаидурки, Нух пайгамбар салавотуллоҳи алайҳанинг уч ўғлигаким, Ёфас ва Сом ҳамда Хомга этишур* (4, 7).

Тур(Ёфас) ибн Нух Буюк Туроннинг ҳукмдори ва асосчиси бўлган. Ёфас(Тур)нинг авлодлари иккинчи исмига монанд **турлар** номи билан атала бошлаган. Мирзо Улуғбекнинг эътирофига кўра: *Нух ялаваж Турон ва Туркистонни Ёфас алайҳиссалом учун асраб қўйган эди. Шу сабабли уни Абут-турк дейишган* (11, 34). Маҳмуд Кошғарий Туронни тўлиқ тасаввур этиш учун қуйидаги изоҳни баён қилган: *“Румдан Мочингача бўлган турк шаҳарларининг бўйи (жойлашиши узунлиги) беш мингдан саккиз минг фарсах (6–8 км)гача етади”* (10, 66). Буюк жаҳонгир ва соҳибқирон (7, 12) Амир Темур ҳазратлари фармонларини қуйидаги изоҳ билан бошланган:

Бизким — мулки Турон, амири Туркистонмиз,

Бизким — миллатларнинг энг улуғи туркнинг бош бўғинимиз!

Шоир Абдулҳамид Чўлпон биз учун улуғ бўлган бу икки атамани шундай таърифлаган эди:

Туркистонлик — шонимиз, туронлик унвонимиз,

Ватан бизнинг жонимиз, фидо ўлсин қонимиз (20, 22).

Туркий эллар дунё тамаддунига пойдевор қўйган, қадимий ва навқирон халқлардан бири саналади. Туркийлар ислом динининг қўриқчилари ва ўз динини доимо эъзозлаган асл қавмдир. Маҳмуд Кошғарий туркийлар ҳақида: *“Улуғ Тангри айтди: Менинг бир тоифа аскарим бор, уларни турк деб атадим, Кунчиқарган ўринлаштирдим. Бирор халқдан газаблансам, туркларни унга қарши йўллайман”*, (10, 334) деган изоҳни келтирган.

Буюк Туроннинг маркази Туркистон, ўртакент(пойтахт)и эса **Семизкент** (12, 30) — Самарқанд бўлган. Туркистоннинг марказий қисми **Ўқуз** (*Амударё*) ҳамда **Инжу Ўқуз** (*Сирдарё*) ўртасида, яъни **Икки дарё оралиги**да жойлашган. **Ўқуз** ҳамда **Инжу Ўқуз оралиги** нуфуз жиҳатдан Миср билан тенглаша оладиган минтақа ҳисобланади. Мазкур ҳудуд айнан ҳозирги Ўзбекистонга тўғри келади. **Икки дарё**

*оралиги*да яшаган қабилалар умумий ном билан *ўқузбеклар* деб аталган. Кейинчалик “*ўқузбек*” термини фонетик қисқаришга учраши натижасида “*ўзбек*” этноними келиб чиққан. Ўқузбеклар турларнинг аслзода қатлами саналади. Улар барча туркий элларнинг бошини қовуштириб, ташқи душманлардан озод қилган ва туркий давлатчилигига тамал тошини қўйишган. Ўқузбекларнинг асл истиқомат жойларига келадиган бўлсак, *қутчилар*ники **Урганж**, *найманлар*ники **Самарқанд**, *қиётлар*ники **Қиёт**(*Кат*), *қўнғиротлар*ники эса **Бойсун**. Жумладан, ўғузларни *қутчилар*, қирққизларни *найманлар*, ўзбекларни ва жузларни эса *қутчи*, *қиёт*, *қўнғиротлар* бошқарган. Шу сабабли мазкур урук(уруғ)лар барча туркий миллатлар таркибида мавжуд ва айримларига сингиб кетган.

Ўқузбеклар **Буюк Туронни**, **Буюк турк хоқонлигини**, **Хан империясини**, **Каёнийлар империясини**, учта **Буюк мунгул**(аслзода)лар **империясини**, **Усмонли империясини** ва бошқа туркий сулолаларни мохирлик билан бошқарганлар. Ана шу қабилалар бош бўлган жойда оқилона тартиб ва адолатли идора услубига асосланган давлат тизими шаклланган.

Ўқузбеклар Турнинг ўғли Турк(аслида *тур+ук*, *яъни Турук*, *кичкина Тур*) авлодига киради. Улар Нух ялаваж давридан яқка худодликни сақлаб келаётган эллардир. Улар ҳар доим ислом динига содиқ бўлишган ва ҳеч қачон динни ўзгартирмаганлар. Ўқузбеклар Аллоҳнинг назарга тушган, Яратган азиз қилган, отаси Нух расулнинг дуосини олган Ёфаснинг зурриёдлари саналади. Нух пайғамбар Ёфасни “*Ҳақ таоло сени ва фарзандларингни азиз ва мукаррам тутиб, фазлу аҳсонинг барокатидан наслингизда баракот бўлғай*”, деб дуо қилган (11, 30). Ота дуоси сабабли бўлса керак унинг зурриёдлари азал-азалдан жаннатнинг бир бўлаги бўлган Иккидарё оралигида муқим яшаб келмоқдадир.


Ўқузбекларнинг асосий қатламини тўртта (*қутжи*, *найман*, *қўнғирот*, *қиёт*) қабилалари ташкил этади. Шунга кўра қутжилар туркийларнинг аслзода урук(уруғ)ларидан биридир. **Қутжи** сўзининг ўзаги “**қут**” (*бахт*)га **-жи**(-чи) сўз ясовчи қўшимчасининг қўшилиши натижасида “**қутжи**” этноними юзага келган. **Қутжи** термини кейинчалик форсий талаффузда **қутчи**га айланган ва ассимиляция ҳодисаси туфайли **қутчи** атамаси **қуччи** шаклига келиб қолган. Қутчиларнинг туркий қабила бўлиб Иккидарё оралиғи, Еттисув, Қашқар, Бойқўлбўйи, Қирғизистон ва Жанубий Сибирда яшаши ҳақида бошқа олимлар ҳам айтиб ўтишган (9, 209). Айрим қадимий луғавий бирликлар, жумладан, Тибет терминининг туркий муқобили бўлган **Танқут**, яъни **Тангриқут** атамаси таркибида ҳам **қут** сўзи мавжуд (8, 396). Бундан шуни билиш мумкинки, туркийларда **қут**(*бахт*) сўзи Аллоҳ каломи билан бирга қўлланган. **Қутчилар** туркий халқларни озодликка олиб чиққан буюк **Қутлук**(*Қут+луғ*), яъни **Элтариш хоқон**нинг болалари саналади. Қутлуғ хоқоннинг исми хитой манбаларида **Гудулу** (2, 166) шаклида учрайди. Тошбитикларда Қутлуғ хоқоннинг 681 йилда чинларга қарши курашиб, Кўктурклар давлатини қайта тирилтиргани ҳақида ҳикоя қилинган (17, 84). Ана шу тарихий далилга асосланган туркийшунос олим Насимхон Раҳмон **Қутлуқхон** хитойликлар истилосига қарши кўзғолон кўтарганлиги ва кейинчалик **Элтариш** номини олганлиги таъкидлаган (13, 145). Қутлуғхоннинг туғишган укасининг исми **Найман** бўлиб, ундан найман урук(уруғ)и вакиллари тарқаган. **Қиёт**, **қўнғирот** урук (уруғ)лари эса Элтариш

хоқоннинг ўғли **Билга** хоқоннинг болалари ҳисобланади. Билга хоқоннинг асл оти Хитой йилномаларида *Мунгулхон* (*Мунг+ул*) деб берилган (2, 121). Билга хоқондан таркаган авлод “*мунгуллар*” деган умумий ном билан аталган. Кейинчалик бу этноним арабий талаффузда ўзгариб “*муғул*”га айланиб қолган. *Мун+гул* (*монгол*) эса туркийларга қариндош оддий қабиладир, уларнинг мунгулларга алоқаси йўқ. Аслида *мунг+ул* ва *мун+гул* пароним сўзлар ҳисобланади. Носириддин Рабғузий “Қиссаси Рабғузий” асарида ҳукмдор Тўқбўғабекни таърифлаб шундай ёзган: “...*йигитлар ариги (поки), улуг отлиг, қутлуғ зотлиг, эзгу хулқлиг, ислом ёриғлиқ, мунгул санилиг, муслмон динлиг, одамийлар инончи, мўъминлар қувончи, ҳиммати адиз (юксак), ақли тегиз бегимиз*” (15, 6). Ушбу изоҳдан ҳам туркий эллар орасида қутчи, найман ва қиёт-қўнғиротларнинг қандай нуфузга эга бўлганини билиш мумкин.


Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам туркий уруғлар ҳақида бадиий ифодалар учрайди. Мисол учун қуйидаги тўртликни келтиришимиз мумкин: *Қўнғирот* десам соқолинг чочоломос, *Чўйут* десам ойогинг качаламас, *Жуз* десам биқининг тўлоюмос, *Сарой* десам бўрбойинг гўлоюмос, *Магарки қуччи ё найман* бўмасанг (Мазмуни: *Қўнғирот* десам соқолинг сийрак эмас, *Чўйут* десам оёгинг ичкарига қийшиқ эмас, *Сарой* десам оёгининг пастки қисми йўгон эмас, *Балки қуччи ёки найман* бўлишинг мумкин).

“*Ўз даврининг Батлимуси*” (18, 193) сифатига сазовор бўлган улуг ҳукмдор ва мутафаккир Мирзо Улуғбекнинг *фарзанди аржуманд* бўлган Алоуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи(Қутжи) Самарқандда яшаган буюк олимдир. Али Қутчининг отаси Мавлоно мулла Муҳаммад Қутжи Амир Темур қароргоҳининг бошлиғи бўлганлиги маълум (16, 208). Шўро даврида олимнинг тахаллуси “Қушчи” тарзида нуқсон билан ёзилган. Али ибн Муҳаммад оддий қуш(*парранда*)боқарнинг ўғли бўлмаган. Акс ҳолда ўрта асрларда қуйи табақа вакили ҳисобланган *қушбоқар*нинг ўғли бундай нуфузга асло эриша олмаган бўлар эди. Чунки табақаси илм эгаллаш қобилиятини ҳам пасайтирган бўлар эди. Алоуддин Али ибн Муҳаммадга мазкур тахаллус *қутжи* (қутчи) *уруқ(ғ)*ига мансублиги учун берилган. Буни ҳақиқатни Али Қутчининг аждодлари яшайдиган ҳудуд, унинг номи билан аталган қишлоқ ва кенглик нуқтаси мавжуд жой ҳам тасдиқлайди. Унинг отаси Қашқа воҳасидан бўлиб, Амир Темур салтанати даврида пойтахт Самарқандда яшаган.

Али Қутчи 1402 йили Самарқандда туғилган. Алоуддин Али дастлабки илмий сабоқларни отасидан олган. Сўнгра ўша замон *аслзодаларига* хос мактабда ўқиган. Али Қутчи болалигидан Самарқандда яшаб вояга етган. Али Қутчи астрономия, математика, жўғрофия, ҳандаса, фалсафа, тарих ва тил каби фанларни мукамал эгаллаган. У мадраса талабаси бўлган давридаёқ диний илмлардан кўра дунёвий илмларга қизиққан. Шу сабабли Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абурайҳон Беруний каби олимларнинг астрономия, математика ва табобатга оид асарларини кунт билан яхши ўрганган.



Шу билан бирга бурсалик Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Мирзо Улуғбек (19, 81), Муҳаммад Ҳавофий каби машхур олимлардан сабоқ олган. Илмга чанқоқлиги ва хулқ-атворидаги аслзодаларга хос хислатлари боис Мирзо Улуғбекнинг назарига тушган. 1414 йили Али Қутчи Улуғбекнинг рухсати билан бир неча йил Эроннинг Кирмон вилоятида таҳсил олган. Эрондаги уламолардан илм олиш билан бирга уларнинг илмий йиғинларида узлуксиз қатнашиб борган. Ана шундай фан мажлисларида ўзининг илмий қарашларини олимлар ҳукмига ҳавола қилиб турган. Али Қутчи Кирмон шаҳрида **“Рисолайи ашкол ал-қамар”** (Ойнинг шакллари ҳақида рисола) номли асарини ёзган (1, 57). Ёш олим таҳсилни тугатиб, 1417 йили Самарқандга қайтиб келган. Али Қутчи Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида ўқишини давом эттиради. Мадрасани битиргандан кейин 1420–1430 йилларда ушбу илм масканида дарс бера бошлаган. Самарқанд илмий мактаби кутубхонасида **“Ҳоқония”**, **“Элхония”** ва **“Юнония”** юлдузлар жадваллари мавжуд бўлган. Лекин ҳар учала юлдузлар жадвалида ҳам айрим номутаносибликлар ва ўхшаш камчиликлар учраган.



Али Қутчининг уруқ(ғ)дошлари Мирзо Улуғбек бошлиқ Самарқанд нуҷум мактаби олимларига Ер юзида мавжуд бўлган тўртта (айрим маълумотларга кўра бешта) кенглик нуқтаси, яъни **юлдузларни**

*яхши кузатиш имконияти юқори бўлган жой*ни топиб беришган. Мазкур кенглик нуқтаси Қашқа воҳаси, **Китоб тумани ҳудудидаги** тоғда жойлашган. У ерда қутчи уруғи вакиллари истиқомат қилишади ва машҳур шайх Ҳазрати Башир зиёратгоҳи бор. Қутчилар ҳар доим муқаддас дин ислом уламоларига нисбатан чексиз ҳурмат ҳамда ихлос билан муносабатда бўлишган. Ҳазрати Башир қадамжосига Али Қутчи кўп марта келган, ҳатто бир неча йил муқим яшаганлигини илмий манбалар тасдиқлайди.

Улуғбекнинг буйруғи билан кенглик нуқтасида кичик расадхона қурилган. Самарқанд нужум мактаби олимлари ана шу жойдан кузатган юлдузларнинг ўрни аниқлиги билан кишини ҳайратга солади. Шундан сўнг учала юлдузлар жадвалидаги барча камчиликлар тўлиқ тузатилган. Али Қутчи Мирзо Улуғбекнинг топшириғи билан Самарқанд шаҳридаги Катта расадхонанинг қурилиш ишларини назорат қилган. Расадхона қурилиб, унинг томи ёпилаётган пайтда аввал Қозизода Румий, сўнг Гиёсиддин Жамшид вафот этган. Расадхонани жиҳозлаш ишларини Мирзо Улуғбек ҳамда Али Қутчи тугатишган. (18, 109). Расадхонаси битгандан сўнг у ерда Али бошчилигида 100 дан ортиқ илм аҳли астрономия, математика фанларига оид тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан банд бўлган. Самарқандаги **Катта расадхона**да барча илмий таҳлиллар тўпланиши ва умумлаштириши натижасида мукамал “Зижи жадди Кўрагоний” юлдузлар жадвали яратилган. Бунга аниқ исбот шуки, Самарқанд расадхонаси қурилиб битмасдан аввал Қозизода Румий, сўнг Гиёсиддин Жамшид дунёдан кўз юмишган. Мирзо Улуғбек “Зижи жадиди Кўрагоний”ни тўрт олим (устоз Қозизода Румий, устоз Гиёсиддин Жамшид, ўзи ва Али Қутчи) биргаликда тузишгани ҳақида гувоҳлик берган. Шу билан бирга Мирзо Улуғбек илми нужум мактабининг зафарларида Али Қутчи ва унинг уруғдошларининг улкан хиссаси бор.

Самарқанд нужум мактаби топшириғи билан Али Қутчи Хуросон, Ҳирот ва Шарқий Туркистонга илмий сафарга чикқан. Ўша юртлардаги жуда кўп олимлар билан танишган ва илмий соҳада фикр алмашган. Улардаги фан тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб қайтган. 1438 йилда эса ҳукмдор Мирзо Улуғбек сеvimли шогирди Али Қутчини Хитойга элчи қилиб юборган (16, 208). Али Қутчи Хитойда элчилик вазифасини аъло даражада бажарган ва илмий янгиликлардан хабардор бўлиб қайтган. У Хитойдан келгандан кейин “Математика ва астрономик жўғрофия” асарини ёзган.

Самарқандда қадимий китоблар ва қўлёзмалар сақланадиган машҳур кутубхона бор эди. Бундан ташқари Амир Темур Туркияга юриши пайтида Бурсага бориб, у ерда эски ва бой кутубхона мавжудлигидан хабар топган. Илмни беҳад кадрлаган соҳибқирон ўша кутубхонани пойтахт Самарқандга кўчиртирган. Кутубхонани сеvimли набираси Улуғбек ташкил этган Самарқанд нужум мактабига совға қилган.

Замонавий илм равнақидан кўрққан мутаассиб уламоларнинг иғвоси билан 1449 йили Мирзо Улуғбек хоинона ўлдирилган. Улуғбек вафотидан кўп ўтмай, унинг падаркуш ўғли Абдулатиф ҳам қатл этилган. Шундан сўнг 1451 йили Самарқанд тахтига Улуғбекнинг тарбиясини олган шогирди Абу Саид Мирзо ўтирган. Султон Абу Саид Мирзо Самарқандни шиалардан тозалаганлиги учун миллати эроний бўлган тарихчилар унинг ҳақида доимо тухмат-бўхтон ёғдирилган

маълумотларни ёзишган. Султон Абу Саид Мирзо Улуғбекнинг яқинлари ва Али Қутчига ҳомийлик қилган. Ҳукмдор Абу Саид 1469 йили Эронга юриш пайтида манфур сотқинлар томонидан ўлдирилган. Шундан сўнг Али Қутчи, унинг яқинлари, уруғдошлари ва шогирдлари таъқиб остига олинган. Кейин Али Қутчи иккала кутубхонадаги ноёб китобларни яшириш пайига тушади. У нодир китобларни *Китоб тоғидаги* кичик расадхонага кўчиртирган ва ўша жойдан узок бўлмаган Ниёзтепа деб аталган қирлик остидаги ғорга яширган, деган тахмин бор. Али Қутчи қимматбаҳо китобларни Самарқанддан олиб чиқиб кетганлиги аниқдир. Аммо камёб китоблар аниқ ўша жойга олиб борилганми ёки бошқа жойгами буниси маълум эмас. Чунки бу тоғли ҳудуд йўлидаги Ургут туманида Али Қутчининг уруғдошлари яшайди. Биринчидан, ана шу ҳудудда тоғ ғорлари жуда кўп бор. Китоблар ўша жойларга яширилган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари ўша тоғ йўли орқали хорижга чиқиб кетиш имконияти ҳам мавжуд. Иккинчидан, Самарқанддан чиқиш мумкин бўлган текисликдаги йўл Пахтачи, Жом, Чияли, Жомбўзсой, Чим ва Ғузор орқали ўтади. Ушбу ҳудудда ҳам Али Қутчининг уруғдошлари истиқомат қилишади. Бу томонда ҳам китобларни яширишга қулай бўлган ер ости ғорлари ва сувсиз қудуқлар жуда кўп. Бу йўлдан ҳам бемалол, осон хорижга кетиш мумкин. Бироқ Алоуддин Алининг уруғдошлари қутчи(қуччи)лардан сир олиш жуда мушкулдир. Шунинг учун Самарқанддаги ўша катта кутубхонанинг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Али Қутчи 1471 йили жуда кўп уруғдошлари ва шогирдларини олиб Эрон Озарбайжонидаги Табризга, яъни оққуюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан ҳузурига борган. Ўзи қутчи бўлган Узун Ҳасан уруғдошларини ҳурмат билан кутиб олган. Али Қутчи билан бирга борган кишилар Табризда иш билан таъминланган ва улар икки йил истиқомат қилишган. Сўнг Туркия султони Меҳмед II Фотиҳ Али Қутчини Истамбулга таклиф қилади. Чунки Туркия султони ҳам қутчи уруғидан бўлгани учун уларнинг ўртасида яқин қариндошлик ришталари мавжуд. Хоразмдан Румга кўчган туркийларнинг аслзодалари урганчлик қутчилар эди. Али Қутчи ҳукмдор Узун Ҳасанга ўз миннатдорлигини изҳор қилиб, унинг розилигини олиб 1472 йили Истамбулга султон ҳузурига боради. Меҳмед (Маҳмуд) II Фотиҳ султон уни Истамбулда қолишга кўндирган Али Қутчи билан бирга келадиган уруғдошларини ҳам ўз мансаби ва касб-корига кўра иш билан таъминлашга ваъда беради. Али Қутчи ҳукмдорнинг фармони билан Табризга қайтиб 200 га яқин уруғдошларини пойтахтга олиб кетган. Истамбулдаги Султон Али Қутчини Аё Сўфия мадрасасига бош мударрис этиб тайинлаган. Бу ҳақида турк олими Абдулҳақ Аднан ҳам маълумот бериб, Али Қутчи тўғрисида мақола ёзган. Аммо унинг мақоласида Али Қутчининг таҳаллуси, табақасига тегишли айрим ғализлик ва нуқсонлар бор. Бунинг натижасида туркиялик олимлар Али Қутчининг уруғи ва табақавий нуфузидан беҳабар ҳолда асосиз хулосалар чиқаришган.

“Зижи жадиди Кўрагоний” жаҳон илмий жамоатчилигига етказишда Улуғбекнинг шогирди Алоуддин Али Қутчининг хизмати каттадир (6, 28). Али Қутчи ўзининг холис хизмати билан илм-фанда Самарқанд нўжум мактаби қўлга киритган зафарларни Ғарб олимларига етказган. Буюк олим Али Қутчи 1474 йили 72 ёшида Истамбул вафот этган. Али Қутчи вафотидан сўнг унинг қариндош ва шогирдлари Мирам Чалабий, Ҳусайн Биржандий, Баҳоваддин Омулий,

Нажмиддин Алихон ва бошқалар унинг илмий ишларини давом эттиришган (5, 211).

Али Қутчи серқирра, ижодкор олим сифатида ўттизга яқин асар ёзган. Али Қутчининг табобатга оид “Муъжаз фи-т-тиб” (Табобатнинг қисқа баёни) асари бор. Илми нужум соҳибининг “Рисола дар илми ҳайъат” (Астрономия илми ҳақида рисола) асари форс тилида ёзилган бўлиб, уни Иброҳим Мўминов ўзбек тилига, Абдулла Афанди турк тилига таржима қилган (20, 207). Олимнинг “Рисолайи фатҳия” (Ғалаба рисоласи) асарида Маҳмуд Фотиҳ билан Узун Ҳасан ўртасидаги жанг воқеалари ҳикоя қилинган. Ушбу асарга Мирам Чалабий шарҳ ёзган. Унинг “Рисолайи Муҳаммадия” (Муҳаммад рисоласи) асари ҳинд математикаси ва астрономиясига бағишланган бўлиб, форс тилида ёзилган. Кейин Али Қутчининг ўзи араб тилига таржима қилган. Али Қутчи “Тарихи хоқони Чин” (Чин хоқонининг тарихи) асарида теурийлар давлатига қўшни бўлган Шарқ мамлакатлари, жумладан Хитой билан маданий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни кенгайтириш борасида олиб борган ишлари тўғрисида ҳикоя қилган. Ушбу рисолада Али Қутчи Хитойга бориш ва келиш йўлидаги мамлакатларнинг географияси, тарихи ва халқлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Мазкур асар XVI аср охирида, сўнг 1863 йилда турк тилига таржима қилинган. Асарни 1851 йилда Флишер немис тилига, 1876 йилда эса Зенгер француз тилига таржима қилган. Али Қутчи “Маҳбуб ал-ҳамоъил фи кашф ал-масоъил” (Масалаларни ечишда қўлланадиган макбул ён дафтари) номли асарида 20 га яқин фанларнинг моҳияти кўрсатилган. Унинг “Рисола фи-мавзуот ал-улум” (Илмларнинг мавзулари ҳақида рисола) асари ҳам фанлар таснифига бағишланган. Али Қутчи “Ҳисоб ҳақида рисола” асарини 1425 йил Самарқандда форс тилида ёзган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, **ҳиндлар арифметикаси** (ўнлик санок тизими), **астрономлар арифметикаси** (олтмишлик санок тизими) ва **ҳандасадан** иборат. Бу асарнинг қўлёзмалари Тошкент, Душанбе, Петербург, Машҳад, Истамбул ва Оксфорд кутубхоналарида сақламоқда (5, 200). Олимнинг “Қасрлар ҳақида рисоласи” 1430 йили форс тилида ёзилган бўлиб, унда оддий ва ўнли қасрлар ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Асарнинг ягона қўлёзмаси Петербургда сақланмоқда. Али Қутчининг “Китоб-ул Муҳаммадия” (илк номи “Ҳисоб рисоласи”) асари ҳам форс тилида ёзилган. Али Қутчи асарини Истамбулда араб тилига таржима қилиб Султон Меҳмед (Муҳаммад) II Фотиҳга тақдим этади. Асарнинг қўлёзмалари Тошкент, Лейден (Нидерландия) ва Туркияда бор (5, 201). Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисми арифметикага бағишланган бўлиб, беш бобдан иборат. **Биринчи боб** ҳиндлар арифметикасига оид бўлиб, унда Али Қутчи сонлардан ихтиёрий илдиз (ўрта осиелик олимлар илдизни белги билан кўрсатишмаган, балки сўз билан ёзишган) чиқариш усулларини (ғарбдаги “Ньютон биноми формуласи”га мос) кўрсатиб берган. Бу усуллар ғарбдаги Руффини Горнер чизмасига тўғри келади (5, 201). **Иккинчи боб** астрономлар арифметикасига тегишли бўлиб, унда олтмишлик санок тизими ва шу тизимдаги қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш ва илдиз чиқариш усуллари баён қилинган (5, 202). Бажарилган амалнинг тўғрилигини текшириш учун тафтиш усули ҳам кўрсатилган. **Учинчи боб**да алжабрга тегишли мулоҳазалар айтиб ўтилган (5, 204). Али Қушчи математика фанига биринчи бўлиб *мусбат* ва *манфий* терминларини киритган (5, 204). **Тўртинчи боб**да “икки хатога йўл қўйиш усули”

билан номаълумликларни аниқлаш усуллари изоҳланган. **Бешинчи боб** баъзи арифметик қоидалар баёнига бағишланган (5, 201). **Иккинчи қисм**да ҳандаса ва тригонометрия фанларига оид илмий хулосалар шарҳланган (5, 201). Ҳандаса бўлими кириш ва уч бобдан иборат. Ушбу бўлимда узунликлар (масофалар), кесмалар ва юзаларини ўлчаш шакллари тушунтирилган. Жисм сиртининг юзлари ҳамда ҳажмларини ҳисоблаш қоидалари ишлаб чиқилган. Тригонометрия бўлимида эса текис учбурчаклар тригонометрияси, синус ва косинус теоремалари келтирилган. Айрим шаклларнинг сиртларини ҳисоблаш учун тақрибий формулалар берилган. **Ушбу формулалар Али Қутчидан олдин ўтган олимларнинг асарларида учрамайди.** Китобнинг охирида синуслар жадвали берилган бўлиб, ундаги синус функциясининг қийматлари замонавий фандаги натижалардан деярли фарқ қилмайди. Гиёсиддин Коший ва Али Қутчи асарларида тўғри чизиқли тригонометрияга доир кўп масалалар жаҳон фанида биринчи марта ҳал қилинган. Али Қутчи “Астрономияга оид рисола” асарини 1437 йили Самарқандда форс тилида ёзган. Асар астрономияга тегишли бўлгани учун унда Улуғбек расадхонасидаги таҳлилларга тегишли жуда кўп муҳим маълумотлар баён қилинган. Мазкур китоб XV асрда ёзилган астрономия оид рисолалари орасида илмий маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ушбу китобнинг қўлёзмалари Тошкент, Петербург, Машҳад, Париж, Оксфорд, Лондон, Берлин, Кембриж ва Истамбулда сақланмоқда (5, 200). “Астрономияга оид рисола” асарининг Тошкент қўлёзмаси Ф.Расулев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва 1968 йили академик Ибтоҳим Мўминов таҳрири остида нашр этилган. Асар кириш қисм ҳамда икки бобдан иборат. **Биринчи боб**да геометрия фанининг асосий илмий тушунчалари баён этилган. Ҳандасадаги нуқта, чизиқ, текислик, доира ва бошқа терминлар таърифланган. **Иккинчи боб**да табиий фанларга алоқадор бошланғич маълумотлар берилган. Бунда ҳамма моддалар содда ва мураккабларга бўлиниши, уларни тўрт унсур: **ўт, ҳаво, сув, тупроқ**дан келиб чиққанлиги айtilган. *Биринчи қисм*да осмон сфералари, уларнинг сони ва хоссалари, астрономик кузатиш натижалари ва бошқа маълумотлар берилган. Шунингдек, кичик расадхонада олиб борилган кузатишларнинг натижаларига кўра юлдузлар ва сайёраларнинг ҳаракатлари, *перигей*(паст) ва *апогей*(юқори) масофалари, фазода ҳар бир сайёранинг ўрни, Қуёшдан узоқлиги ҳақидаги ҳисоблашлар шарҳланган ва уларга алоқадор жадваллар берилган. Ой ва Қуёш тутилиши масалалари ҳам жуда аниқ, тўғри ва илмий тарзда тушунтирилган. Иккинчи бўлимда Ер, Ернинг таркиби, иқлим ва об-ҳавосига бағишланган. Ер курраси, шимолий ва жанубий кутблар, экватор, меридиан чизиқлари тўғрисида, иқлим ва об-ҳаво ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар берилган.

Али Қутчи ўз замонасидаги кўпгина олимларининг асарларини чуқур ўрганган, уларга мукамал шарҳлар ёзган. Жумладан, Улуғбекнинг “Зижи Улуғбек”, Насруддин Тусийнинг “Зижи Элхоний”, Қутбиддин Шерозийнинг “Тухфат аш-шоҳия фил-хайъат”, Насруддин Тусийнинг “Тадриж” номли астрономия ва математикага оид асарларига, Тафтазоний, Насруддин Тусий, Қози Азуддинларнинг фалсафа, ҳуқуқ ва тилшуносликка оид асарларига шарҳлар ёзган.

Хулоса. Али Қутчининг ҳаёти ва ижоди кўпгина олимлар, жумладан К.Броккельман, Т.Н.Ниязов, А.Носиров ва бошқалар

томонидан ўрганилган. Аммо уларнинг кўпчилиги туркий уруғларни яхши билмагани ёки билишни истамаганлиги сабабли турли нуқсонларга йўл қўйишган. Ушбу мақола ана шу нуқсон, хатоларни тузатиш ва буюк олимнинг тахаллуси ҳамда табақавий нуфузини аниқлаштириб бериш мақсадида ёзилди. Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қутжи (Қутчи) дунё илм фанининг ривожига катта ҳисса қўшган. Шу билан бирга Мирзо Улуғбек бошчилик қилган илмий мактаб, Самарқандда эришилган илмий ютуқлар ва астрономик жадвал билан Европа олимларини таништирган. Али Қутчининг хизмати туфайли Самарқанд нуҷум мактабининг илмий ютуқлари Ўрта Шарқ, Яқин Шарқ ва Европага тарқалган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. — Тошкент: Фан, 1969. — 102 б.
2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. — Тошкент: Ўқитувчи, 1982. — 166 б.
3. Абулғозий Б. Шажарайи турк. — Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1992. — 192 б.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Муҳокамат ул-луғатайн. 16-жилд. — Тошкент: Фан, 2000. — 245 б.
5. Аҳадова М. Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. — 212 б.
6. Аҳмедов Б. Улуғбек. — Тошкент: Фан, 1965. — 328 б.
7. Владимир Соснин, Муҳаммад Очил. Амир Темур ғори ажойиботлари. — Тошкент: Чўлпон, 1992. — 32 б.
8. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. — Тошкент: Шарқ, 2011. — 460 б.
9. Лафасов У. Турон қавмлари. — Тошкент: Истикбол, 2008. — 230 б.
10. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Уч томлик. Биринчи том. — Тошкент: Фан, 1960. — 499 б.
11. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. — Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994. — 351 б.
12. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. — URL: <https://kh-davron.uz/yangiliklar/tarixiy-sana/ibrohim-mominov-amir-temurning-orta-osiy-tarixida-tutgan-orni-va-rol-i-2.html>
13. Насимхон Р. Турк хоқонлиги. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. — 142 б.
14. Ниёзов Қори Т.Н. Улуғбек ва унинг илмий мероси. — Тошкент: Ўзбекистон, 1971. — 294 б.
15. Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. — Тошкент: Ёзувчи, 1990. — 235 б.
16. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. — Тошкент, 2000. — 735 б.
17. Усмон Турк. Туркий халқлар мафқураси. — Тошкент: Чўлпон, 1995. 104 б. <https://kitobxon.com/uz/kitob/turkiy-halqlar-mafkurasi>
18. Хайруллаев М. Маънавият юлдузлари. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1999 — 407 б.
19. Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. — Тошкент: Наврўз, 2014. — 242 б.
20. Чўлпон Абдулхамид Сулаймон ўғли. Асарлар. 4-жилдлик. 1-жилд. — Тошкент: Академ нашр, 2016. — 360 б.

References

1. Abdullaev I., Hikmatullaev H., *Samarkandlik olimlar* (Samarkand Scientists), Tashkent: Fan, 1969, 102 p.
2. Abdurahmonov F., Rustamov A., *Kadimgi turkii til* (Ancient Turkic Language), Tashkent: Ukituvchi, 1982, 166 p.

3. Abulfozii B., *Shazharaii turk* (Genealogy Turk), Tashkent: Chulpon nashrieti, 1992, 192 p.
4. Alisher Navoi., *Mukammal asarlar tuplami. 20 tomlik. Muhokamat ul-lugatain. 16-zhild.* (A Perfect Collection of Works), Tashkent: Fan, 2000, 245 p.
5. Ahadova M., *Urta Osielik mashhur olimlar va ularning matematikaga doir ishlari* (Famous scientists of Central Asia and their work on mathematics), Tashkent: Ukituvchi, 1983, 212 p.
6. Ahmedov B., *Ulugbek*, Tashkent: Fan, 1965, 328 p.
7. Vladimir Sosnin, Muhammad Ochil., *Amir Temur gori azhoiibotlari* (Amir Timur cave wonders), Tashkent: Chulpon, 1992, 32 p.
8. Ibrohimov A., *Bizkim uzbeklar* (We are Uzbeks), Tashkent: Shark, 2011, 460 p.
9. Lafasov U. Turon kavmlari (The people of Turan), Tashkent: Istikbol, 2008, 230 p.
10. Mahmud Koshgarii., *Devonu lugatit turk. Uch tomlik. Birinchi tom* (Devonu dictionary Turkish. Three drops. The first roof), Tashkent: Fan, 1960, 499 p.
11. Mirzo Ulufbek., *Turt ulus tarikhi* (History of the four ulus), Tashkent: Chulpon nashrieti, 1994, 351 p.
12. Muminov I., *Amir Temurning Urta Osie tarikhida tutgan urni va roli* (The role and role of Amir Temur in the history of Central Asia), available at: <https://kh-davron.uz/yangiliklar/tarixiy-sana/ibrohim-mominov-amir-temurning-orta-osiyo-tarixida-tutgan-orni-va-rol-2.html>
13. Nasimkhon R., *Turk khokonligi* (Turkish Khakassia), Tashkent: Abdulla Kodirii nomidagi khalk merosi. 1993, 142 p.
14. Niezov Kori T.N. , *Uluzbek va uning ilmi merosi* (Ulugbek and its scientific heritage. In Short, The Lord), Tashkent: Uzbekiston, 1971, 294 p.
15. Nosiruddin Burhonuddin Rabguzii, *Kisasi Rabguzii*, Toshkent: Ezuvchi. 1990, 235 p.
16. *Uzbekiston millii entsiklopediyasi. 1-zhild.* (National Encyclopedia of Uzbekistan. 1-volume), Tashkent. 2000, 735 p.
17. Usmon Turk, *Turkii khalklar mafkurasi* (Ideology of Turkic peoples), Toshkent: Chulpon. 1995. 104 p., available at: <https://kitobxon.com/uz/kitob/turkiy-halqlar-mafkurasi>
18. Khairullaev M., *Ma“naviyat yulduzlari* (Stars of spirituality), Tashkent: Abdulla Kodirii nomidagi khalk merosi, 1999, 407 p.
19. Husanov N., *Uzbek antroponimlari tarikhi* (History of anthroponyms of Uzbekistan), Tashkent: Navruz, 2014, 242 p.
20. Chulpon Abdulhamid Sulaimon ugli. *Asarlar. 4-zhildlik. 1-zhild.* (Works. 4-volume. 1-volume.), Tashkent: Akadem- nashr, 2016, 360 p.